

Буюклар ибрати



17:00 / 14.02.2021 2420

80 ёшимдаги илмга бўлган қизиқишим 20 ёшимдагидан кўра кучлироқ эди.

Ҳофиз ибн Ражабнинг «Зайлу табақатул ҳанобила» китобидан буюк қори, фақих, усул олими, воиз, мутакаллим, кўп илмлар ва фанлар эгаси, исломда улуғ пешволардан бири, оламнинг энг фозилларидан, инсониятнинг закийи ҳисобланмиш Абул Вафо Алий ибн Ақил Ҳанбалий Бағдодий (ҳижрий 431-513, милодий 1039- 1019 йилларда яшаган) раҳматуллоҳи алайҳ ҳақида қуйидаги маълумотлар келган:

Ул зот шундай дер эди: «Менга умримнинг бир лаҳзасининг ҳам зое қилишим ҳалол эмас. Ҳатто тилим баҳс-мунозарадан, кўзим мутолаа қилишдан чарчаса, чўзилиб дам олиб ётганимда фикр қиламан. Кейин то ёзиб қўядиган фикр ҳаёлимга келмагунича ўрнимдан турмайман. Саксон ёшимдаги илмга бўлган қизиқишим йигирма ёшимдагидан кўра кучлироқ. Бор жидду жаҳдим билан овқатланиш вақтларини қисқа қиламан, ҳатто китоб мутолаа қилиш, тўла бағишлаш учун кўпинча толқон еб, ортидан сув хўплайман. Чунки толқон вақтимни кетказади, шунинг учун чайнаб ўтирмайман».

Шайх Абдулфаттоҳ Абу Ғудда раҳматуллоҳи алайҳнинг

«Саҳифалар» китобидан.